

59-боб. Қўшниларнинг яқинроғидан, сўнг ундан кейингисидан...



19:29 / 12.09.2019 2009

نَبِيَّ عِبْرًا وَهُوَ فَلَاحِ نَبِيَّ عِبْرًا وَهُوَ مَأْمُورًا دَرَادَ نَبِيَّ عِبْرًا؛ لِقَافٍ رَاجِعًا لِنَبِيَّ عِبْرًا لِيُسُّوْنَ أُنْسَ حُلَلٍ نَبِيَّ
عِبْرًا رَاسِي نَبِيَّ عِبْرًا وَهُوَ نَبِيَّ عِبْرًا وَهُوَ نَبِيَّ عِبْرًا

Ҳасандан ривоят қилинади:

**«Ундан қўшнилар ҳақида сўрашди. Шунда у: «Олдидан қирқ ҳовли,
ортидан қирқта, ўнгидан қирқта, чапидан қирқта», деди».**

Шарҳ: Шариат нуқтаи назаридан, ўнг томондан, чап томондан, олд
томондан ва орқа томондан қирқта хонадон қўшни ҳисобланар экан ва
уларда қўшнилик ҳаққи бўлар экан.

عَنْ دَالِ بْنِ أَبِي نَكَلٍ وَ، عَنْ دَالِ بْنِ أَبِي بَقَّيْصَةَ قَالَ رَأَى رَجُلًا يُدَبِّي الْوَلَّاقَ عَرِيْرُهُ بِأَبِي نَعَّيْصَةَ قَالَ لَبَّقَ.

Абу Хурайрадан ривоят қилинади:

«Яқин қўшнини қўйиб, узоқ қўшнисидан бошламайди. Аксинча, узоқдан олдин яқиндан бошлайди».

Шарҳ: Бир киши қўшниларига бирор нарса ҳадя қилмоқчи бўлса, яқин қўшнисини қўйиб, узоқдаги қўшнисидан бошламаслиги керак экан. Аксинча, ҳадя беришни яқин қўшнисидан бошлаб, кейин узоқроқдаги қўшниларига бериши мумкин экан. Ҳадя, совға-салом каби олди-бердиларни яқинроқдаги қўшнилардан бошлаб, узоқдагиларга қараб кетилади.

«Одоблар хазинаси» китобидан